



ТОШКЕНТ ХАКЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 168 (7308).

3 сентябрь, 1980 йил

ЧОРШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиди

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИРОВ РАЙОНИДАГИ УМУМҲИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ПЕДАГОГИК КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Киров районидаги умумий таълим мактабларининг педагогик коллективлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш тўғрисидаги қарарига жавобан, республика халқ маорифининг барча ходимларига мурожаат қилиб, уларни «Хар бир мактаб ўқувчисига чуқур ва пухта билим берайлик, уни ҳаётда актив позицияда туринишга ўргатайлик» деган шiori остида ишлашга қачирди.

Киров райони маориф ходимларининг ватанпарварлик ташаббуси таълим-тарбия жараёнида янада такомиллаштиришда, ўқувчиларга билим бериш ва уларни тарбиялаш сифатини оширишда, уларни актив меҳнат ва жамоат фаолиятига таярлашда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тошкент шаҳар Киров районидаги педагогик коллективларнинг ташаббуси ёш авлоднинг коммунист руҳида ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг янада яхшилашда, КПССнинг XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш йўлида халқ маорифи ходимларининг ижодий фаолиятини ривожлантиришда сафарбар қилувчи жуда катта аҳамиятга эга бўлиши ҳақида кўпчиликнинг эътибори олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент шаҳар Киров районидаги умумий таълим мактаблари педагогик коллективларининг КПСС XXVI съездини «Хар бир мактаб ўқувчисига чуқур ва пухта билим берайлик, уни ҳаётда актив позицияда туринишга ўргатайлик» деган шiori остида умумий ҳаракат билан иштирокчилик қилиб, республика халқ маорифи барча ходимларига қилган мурожаатини маъқуллади.

Область, шаҳар, район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар, район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига ва унинг

жойлардаги органларига мосқиллаштиришнинг зарур шартлари қилиб, Киров райони маориф ходимларининг ташаббусини кенг муҳокама қилиш, бу ташаббусни оммалаштириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тақдир этилди. Мактабларнинг барча педагогик коллективларида ўқувчи беш йилликни муваффақиятли тугатган ва КПССнинг XXVI съездини ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги ишларини кучайтириб юборишга эришилсин.

Хар бир ўқувчи ҳозирги замон талаблари даражасида иш олиб бориши, педагогик маҳоратини кўндалган ағдлаши, таълим ва тарбиянинг илгир методлари ва усулларидан практикада асосан фойдаланиши лозим.

Педагогик коллективлар хар бир ўқувчининг барча фанлар юзасидан чуқур ва пухта билимларини ағдлаб олишини, Лениннинг назарий меросини, КПСС ҳужжатларини, Л. И. Брежнев асарларини мунтазам равишда ўрганишини таъминлашлари зарур. Комплекс план негизда ўқувчиларни В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти намунаси асосида, Коммунист партия ишига чекини саноқчи руҳида тарбиялашга, уларда илмий дунёқарошни, юксак ахлоқий-сиёсий хислатларини, меҳнатсеварликни, ҳаётда актив позицияда туриниш шакллантиришга эришилсин.

Хар бир йилги киз юрчи синфлар ўқувчиларининг меҳнат билимлашларида ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларида меҳнат қилишнинг мактабдан ташқари ҳар қандай касбини ағдлаб чиқариш имкониятига эга бўлиши учун касб-ҳунарни танлаб олиш ишлари тўғрисида яхшилаш таъминлаш лозим. Болаларни ва ўсмирларни тарбиялашда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг куч-гайратини бирлаштиришга эришилсин, меҳнат коллективлари, ижодий, спорт ва маданий-маърифий муассасалари мактаб ўқувчиларини билан олиб бориладиган тарбиявий ишга кенг жалб этилсин.

Корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозларга мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни жиҳозлаш ва безашда, меҳнат тарбиясини, ўқувчиларга касб танлаб олишни уюштиришда педагогик коллективларга оталиқ йўли билан ёрдамчи кучайтириш тавсия этилди. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари, жониворлик фаолиятининг меҳнат бирлашмалари фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор берилсин, улар ўртасида иш олиб бориш учун ишлаб чиқариш илгирлари юборилсин ва зарур техника ҳамда асбоб-ускуналар ажратиб берилсин.

Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, социалистик мусобақани авж олдиришлари, касаба соҳа, комсомол ва пионер ташкилотларига доимо ёрдам беришлари, ўқувчиларнинг ўзини бошқариш органлари фаолиятини яхшилашлари керак, таълим ва тарбия жараёнининг бир-бири билан узвий равишда боғлаб олиб боришга эришиб, мактаб коллективларининг куч-гайратини муваффақиятли ўқини, меҳнат қилиш, ижтимоий ҳаётда қатнашишга сафарбар қилинсин. Спорт базаларини ва комплекс майдонларни вужудга келтириш, мактабдан ташқари олиб бориладиган ишларни, техникавий ва бадний ижодкорлигини, физкультура ва спортни янада ривожлантириш чоралари қўрилинсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика мактабларининг педагогик коллективлари партия ташкилотлари раҳбарлигида умумий ўрта таълим амалга оширишда, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадиган ва бу билан жониворлик партиясининг XXVI съездини ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирди.

Данлик фазилатларини мактаб йилларида шакллантириб бормоқ керак. Ўқувчилар совет тузуминининг матонатли, эътиқодли химолиларини бўлиб ўсиналари керак. Уларни партияга, халққа аълонали руҳида, социалистик турмуш тарзининг идеаллари ва принциплари руҳида тарбияламоқ зарур.

Биз мактаб ўқувчиларида социалистик интернационализмни шакллантиришнинг барча йўллари ва методларидан самарали фойдаланишга даъват этилди. Рус тилини ўрганиш ва масалани ҳал этишда жуда муҳим роль ўйнамоқ керак. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аълолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов рус тилини ўрганиш масалаларида бағишлаган ўтказилган Бутунитифоқ илмий-амалий конференциясида бундай дедик: «Рус тили Совет Иттифоқиди барча халқлар учун коммунизм порлоқ юлларини амалга ошириш учун курашини таъсирчан воситаси, кўч миллатли совет жамятинининг мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлиб қолди».

Ленин асарларини, партияга ҳужжатларини ўрганиш ўқувчиларини ҳаётда ижодда муҳим роль ўйнамоқ керак. Биз барча педагогларга умулжоб қилиб, уларни ўқувчиларнинг Ленин сўзига эътиборини, В. И. Лениннинг ҳаёт жасоратига, Ленин тузган партиянинг буюк таърибларини ўрганишга қизиқишларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга даъват этилди.

КПСС ва Совет давлатининг кичи ва ташқи сиёсати билан мактаб ўқувчиларини мунтазам таништириб бориш, ёш авлодда ватанга, коммунист партия ишига чекини саноқчи, буржуа идеология ва ахлоқига нисбатан муросасизлигини, социалистик ватанин химо қилишга тайёр турини шакллантириш керак.

Биз партия билан халқ олдидаги юксак масъулиятининг аниқлаган ҳолда, Ўзбекистон пойтахтининг коммунист меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартибни ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун барча тошкентликлар билан бирга курашиб, ўқувчиларни «Хар бир мактаб ўқувчисига чуқур ва пухта билим берайлик, уни ҳаётда актив позицияда туринишга ўргатайлик» деган шiori рақатга фойд қилишга ҳамда Совет Иттифоқи Коммунист партияси XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ёш авлоднинг ўқитиш ва тарбиялашдаги ишони қўллар билан қўллаб-қувватлашга қачирамиз.

УШУБ МУРОЖААТ ТОШКЕНТ ШАҲАР КИРОВ РАЙОНИДАГИ УМУМҲИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ РАЙОН АВГУСТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

УШУБ МУРОЖААТ ТОШКЕНТ ШАҲАР КИРОВ РАЙОНИДАГИ УМУМҲИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ РАЙОН АВГУСТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ЛУБКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Ўрта Чирчиқ райониди Энгельс номи колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам бошлиқ бригадаси лубкорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар давлатга каноп поёси сотиш бўйича топиришни мuddатидан илгари адо этишди. Қабул пунктларига 1000 тонна «кўк олтин» етказиб берилди. Хар гектар майдондан ҳозиринг ўзиди 200 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Каноп поёси ўрим-йиғини. Бригада лубкорлари КПСС XXVI съезди шарафига авж олган социалистик мусобақага қўшилди, ўз имкониятларини қайта кўриб чиқдилар ва бу йил каноп ҳосилдорлигини 240 центнерга етказишга аҳд қилишди.

Қаҳрамон бошлиқ бригада коллективи «оқ олтин»дан ҳам рекорд ҳосил еттиштирилди. Улар йил бошида облатинининг бир гуруҳи мўл ҳосил усталари қатори қабул қилган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқашди. Пахтакорлар ўзини беш йилликнинг якуловчи йилида хар гектар майдондан 58 центнердан, аввал белгиланганидан 1 центнердан кўп ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилдилар. Бригадада пахта теримига пухта ҳозирлини кўриб қўйилган.

Биз икки дугона — Гулбуви Қумоқбоева ва Анора Ҳуснибоевалар Чиноз райониди Энгельс номи колхоз 9-бригадасининг чевар теримчиларидир. Мавсумда хирмонга 9 тоннадан «оқ олтин» териб тўқини мажбуриятни олган чеварлар пахтазорларда жавлон уришяпти. Улар кунига 80—100 килограммдан пахта тараётирлар.

А. Абалая фотоси.



МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Оржоникидзе райониди «Октябрь» колхозининг К. Бақайбоев ва М. Буяевлар бошлиқ бригадалари аъзолари давлатга сабзавот маҳсулотларини топириш йиллик планларини мuddатидан илгари бажардилар.

К. Бақайбоев бошлиқ бригада томонидан давлатга пландаги 460 ўрнига 462 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Шуниқдек, 9,5 гектар ердаги картошнадан пландаги 186 тонна ўрнига 193 тонна ҳосил олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 203 центнерданга тўғри келди. М. Буяев бошлиқ бригада аъзолари эса давлатга пландаги 740 тонна ўрнига 745 тонна сифатли сабзавот маҳсулотлари топиришди. Картошдан ҳам мўл ҳосил олинди. Давлатга пландаги 150 тонна ўрнига 171 тонна картошка топириди.

КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига маъмур ички бригада ҳам қўшимча мажбурият қабул қилишди. Улар Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига қадар К. Бақайбоев бошлиқ бригада планга қўшимча яна 240 тонна, М. Буяев етакчилиги қилган бригада аъзолари эса 370 тонна сабзавот маҳсулотларини етказиб беришга аҳд қилдилар. Қ. НУДИШЕВ, Қ. ГУЛОМОВ.

Облатимизда гўза дефолиацияси авж олиб кетди. Утган кун колхоз ва совхозлар пахта даладариди 625 та ОВХ агрегатлари ишладилар. Бир кунда 16400 гектар майдонга дефолиантлар сепадилар. Ҳозиргача 496368 гектар майдонда гўза дефолиацияси ўтказилди.

Бу соҳада Бекобод райони пахтакорлари намуна кўрсатишмоқда. Утган кун райони хўжаликлариди 3400 гектар пахта майдонига препаратлар сепадилар. Районда 11

минг гектардан ортиқ майдонда гўза дефолиация қилинди.

Гўза дефолиацияси Бўка, Оққўрғон ва Ғалаба районларида ҳам жадал суръатларда олиб бориляпти. Бўка райони хўжаликлариди 9539 гектар майдонда гўза дефолиация қилинди. Оққўрғон ва Ғалаба районларида эса бир кунда 2400—2500 гектар пахта майдонига дефолиантлар сепадилар.

Илгор район ва хўжаликлардан ибрат олиб, гўза дефолиацияси суръатини кучайтиринг.

ТЕЗ ВА ТОЗА ТЕРАМИЗ

Терим мавсуми пахтакорлар учун қувончли ва масъулиятли палладир. Маана, биз ортиқ кутган дамлар ҳам етиб келди. Бригадами аъзолари пахта теримини бошлаб юборишди.

Жонажон Коммунист партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб олишга аҳд қилган пахтакорларимиз бу йил 136 гектар майдондан хар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олганлар. Фидокорона меҳнат туфайли даладаримизда бу аҳдга яраша мўл ва эртаки ҳосил еттиштирилди. Улар кунда мuddатда ва нес-нобуд қил

масдан йиғиб-териб олиш олдимизда турган шарафли вазифадир.

Теримнинг дастлабки кунлариди бригадамиз барча аъзолари пахтазорга чиқибди. Улар уруғлик пахтаки тизорқ териб олиш учун барча имкониятларини ишга солаётдилар. Бригадамиз кўпнингкилограммчи теримчилари ўртасида социалистик мусобақа авж олиб юборилган. Бу мусобақада Мунаввар Зокирова, Солиха Мирзасева, Комида Назаровлар пешқадамлик қилётдилар. Улар мавсумда 10—12 тоннадан дур-жавахир териб олишга сўз беришган.

Аҳдларига яраша меҳнат қилмаган чеварлар кунига бригада хирмонига 80—100 килограммдан пахта териб тўқинапти.

Мен утган йили 9 тонна пахта теришга эришган эдим. Съездолди йилида эса 12 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олдим. Ҳозиринг ўзиди 500 килограммдан кўпроқ пахта териб қўйдим.

Хуринос ЖўРАЕВА, Чиноз райониди К. Маркс номи колхоз 7-бригадасининг кўпнингкилограммчи теримчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ПОЛИЗЧИЛАРИНИНГ КОНКУРСИ

Ўзбекистон қовун-тарвузларининг машҳур навлари бутун дунёда шукур қозонган. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставаси павильонлариди бирлашган ўтказилган республика полизчиларининг конкурсида Фаргона водийси ва Бухоро воҳасида, Зарафшон ва Хоразм водийсида, Қарши ва Жиззах даштарларининг кўрқ ерларида, республиканинг бошқа зоналарида еттиштирилган полиз маҳсулотларининг энг яхши намуналари қўйилган.

Конкурса республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан келган бригада ва аъзо бошлариди, илгор миришкорлар, халқ селекционерлари иштирок этидилар. Конкурса полиз экиларининг юздан ортиқ нави тақдим этилди. Улар орасида халқ селекционерлари ва республика олимлари қайта тикланган ва яхшилаган 12 хил қадимий нав бор.

Деҳқонлар ўз режаларини ўрқоқлашдилар, серҳосил,

тезишар, касалликларга қоват бардошли, узоқ вақт сақланадиган ширин-шаклар полиз экиларини еттиштириш соҳасида тўпланган тақрибани бир-бирларига тақриб беришди. Республиканинг барча зоналарида полиз экилариди мўл ҳосил еттиштиришга қўлмай, шу билан бирга харидор талабига мос сифатли маҳсулотлар ҳам олиш мумкин. Полиз майдонларини яхшилаштириш, даладарда механизацияни кенг жорий этиш, колхоз ва совхозларда қовун-тарвуз еттиштириладиган ихтиослаштирилган бригадалар тузиш, уларни зарур миқдорда илгирлар, техника, сув ва транспорт воситалари билан таъминлаш зарур. Республиканинг кўрқ районларида полиз маҳсулотини кенгайтириш, ширин-шаклар қовунлар еттиштириш муҳимлиги таъкидланди.

Наманган, Самарқанд, Қашқадарь, Бухоро областлари, Бўё, Пахтаки, Шовот районлари конкурс дипломларига сазовор бўлди. Биринчи муқовот Охунбоев

райониди «1 Май» колхозиди халқ селекционерини А. Анигаҳарова, Нишон райониди «Пахтаобод» совхозининг бригадасида бошлиқ, халқ селекционерини Х. Усмонова, Бўё райониди Карл Маркс номи колхоздан халқ селекционерини Х. Абдуллаева, Ромитон райониди «Қизил ровот» совхозининг бригадасида бошлиқ Д. Аҳмедовга, Иштихон райониди «Октябрь» колхозининг бригадасида бошлиқ, халқ селекционерини Т. Тожиевга беришди.

Конкурса голибларига тантанали вазиятда дипломлар ва қимматли совғалар топширилди.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставасининг павильонини 2 сентябрь кунини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аълолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бориб кўрди. У конкурс қатнашчилари ҳузурда сўзга чиқиб, республика деҳқонла

рининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозогистон ССР ва Қозогистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган Олмаотода ўтказилган тантанали мажлисида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигининг барча тармонларини юксалтириш ҳақида берган кўрсатмалариди келди чикадиган вазифаларга тўғрисида ўтди, Ўзбекистонда республика қишлоқ хўжалигининг истиқболни ва муҳим соҳалариди бири бўлган полизчиликни янада ривожлантириш зарурлигини айтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонев, Т. Н. Осетров, О. У. Саидов, И. Б. Усмоновжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари, област партия комитетларининг биринчи секретарлари конкурс ўтказилган халқ хўжалиги ютуқлари виставасини бориб кўрдилар.

(ЎТАГ).

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, ВЬЕТНАМЛИК ДЎСТЛАР

Ўзбекистон меҳнатнашлар Вьетнам халқининг миллий байрами — республика эълон қилинган кунини ишончландилар. 2 сентябрь кунини Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакиллари иштирокчи шунинг сабага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Вьетнам Социалистик Республикаси халқи 35 йил муболакида шонли йўлни босиб ўтганини, мамлакатини социалистик негизда қайта қуришда катта муваффақиятларга эришганини, мустақиллик ва империялист интервенцияларга қўнган лажот ғалаба қозонганини, бекинлик агрессор

ларга муносиб зарба беришганини тўғрисида тақрир қилди.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг студенти Ле Сан Тао Ўзбекистон пойтахтида таълим олаётган вьетнамлик ёшлар номидан гапириб, ВСР халқининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги кураши билан қардошларча бирдамликларга учун, социалистик жамятининг барпо этишда хар томонлама бетарз ёрдам ва мадад бераётганлиги учун

Совет Иттифоқи Коммунист партияси ва ҳукумати, барча совет кишиларига чўқур миннатдорчилик изҳор этиди.

(ЎТАГ).

